

Мухтор НАЗИРОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
m.nazirov@iia.uz

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ЎТИШ ДАВРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕХОДНОГО ПЕРИОДА В ГОСУДАРСТВАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

FEATURES OF THE TRANSITION PERIOD IN THE STATES OF CENTRAL ASIA

Аннотация. Мазкур илмий мақолада Марказий Осиё давлатларида мустақилликнинг илк даври – ўтиш даврида кечган сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ретроспектив таҳлил қилинган. Мақолада Марказий Осиё мамлакатларида ички ва ташқи деструктив хавф-хатарлар, таъсирлардан холи бўлган миллий давлатчиликни шакллантириш йўлидаги айрим жиҳатлар, мураккаб жараёнларнинг моҳияти, минтақа давлатларида амалга оширилган ислохотларнинг барқарор тараққиётга таъсири каби масалаларга доир фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Таянч иборалар: ўтиш даври; Марказий Осиё; сиёсий жараёнлар; барқарор тараққиёт; миллий давлатчилик; ислохотлар; анъаналар; жамият.

Аннотация. В данной научной статье представлен ретроспективный анализ особенностей политических процессов в государствах Центральной Азии, происходивших в первый период независимости – переходный период. В статье излагаются мысли по таким вопросам, как некоторые аспекты формирования в странах Центральной Азии национальной государственности, свободной от внутренних и внешних, деструктивных угроз и влияний, сущность сложных процессов, влияние проведенных в государствах региона реформ на устойчивое развитие.

Опорные слова: переходный период; Центральная Азия; политические процессы; устойчивое развитие; национальная государственность; реформы; традиции; общество.

Abstract: This scientific article provides a retrospective analysis of the features of the political

processes that took place in Central Asian countries in the first period of independence – the transition period. The article presents thoughts on such issues as some aspects of the formation of national statehood in the countries of Central Asia, free from internal and external, destructive threats and influences, the essence of complex processes, the impact of reforms carried out in the states of the region on sustainable development.

Keywords: transition period; Central Asia; political processes; sustainable development; national statehood; reforms; traditions; society.

Марказий Осиё давлатларида ўтиш даврига хос умумий жараёнлар, кўплаб мутахассислар фикрича, шартли равишда икки босқичга бўлинади. 1991-1994 йилларни ўз ичига олган дастлабки даврда давлат ва жамият ривожланишининг асосий вектори белгилаб олинди ва шунга монанд равишда мавжуд сиёсий тизим ислох қилинди. 1994-1995 йилларда бошланган иккинчи босқич янги ҳокимият институтларини шакллантириш, жамиятда янги ҳокимият муносабатларини ўрнатиш ва халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини белгилашдан иборат эди. Минтақа республикаларида янги миллий раҳбариятнинг давлат хавфсизлиги, барқарор тараққиёт ва бошланган ислохотлар қатъийлигини таъминлашга қодир, самарали сиёсий бошқарув моделини шакллантириш қобилияти муҳим аҳамиятга эга эди.

Глобаллашув шароитида тез ўзгариб бораётган ташқи муҳит ислохотлар йўналиши, уларни амалга ошириш суръатлари ва сифати, сиёсий кучлар ва шахсларнинг ҳокимиятга келишига таъсир кўрсатади. Бунда жамиятнинг сиёсий етуклик даражаси, янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий қадриятларни ўзлаштираётган халқларнинг давлатчилик анъаналари муҳим аҳамиятга эга. [17: 11-12]

Марказий Осиёнинг деярли барча республикаларида дунёвий ва демократик давлатчиликни ривожлантиришга устуворлик берилди. Масалан, Ўзбекистон тадрижий демократик тараққиёт йўлини танланган бўлса, Қирғизистон ва Қозоғистон ўзларини либерал демократик қадриятлар тарафдори сифатида намоён қила бошладилар. Тожикистонда дунёвий давлатчилик фуқаролар уруши шароитида шаклланган бўлса, Туркманистондаги сиёсий жараёнларда эса авторитаризм тенденцияси кучли бўлди. Республикада миллий қадриятларга таянган

ўзига хос давлатчилик модели шаклланди ва сиёсий жараёнлар президентнинг тўлиқ назорати остида кечди. Демократик ғоялар декларатив характерга эга бўлиб, амалий сиёсатда тўлиқ намоён бўлмади.

Рус олими Д.Малышева: “Марказий Осиёнинг барча давлатларидаги сиёсий тизимлар плюралистик жамият институтлари ва тартиб-қоидаларини сақлаган ҳолда, бошқариладиган демократия моделини шакллантириш томонга оға бошлади. Бошқарувнинг бундай шакли ҳокимият элиталари нуктаи назаридан, тинчлик ва ижтимоий барқарорликни энг мақбул тарзда сақлашга, конфессиялараро ва миллатлараро низолар ривожланишининг олдини олишга имкон беради” деб, қайд этади. [10: 10]

Марказий Осиё мамлакатларида кучли бошқарув услублари ички сиёсий барқарорликни таъминлаш нуктаи назаридан маълум бир даражада ўзини оқлади. Кучли бошқарув минтақада юзага келган азалий мураккаб масалаларни ҳал қилишда статус-квони сақлаш ҳамда қўшни мамлакатлардан кириб келадиган муаммолар ва таҳдидларни бартараф қилишга хизмат қилди. Бирок, бу бошқарув усули минтақанинг аксарият республикаларидаги ички муаммоларни ҳал этишда қутилган самарани бермади.

Давлат институтларининг заифлиги ва ҳокимиятни тинч йўл билан кейинги авлодга ўтказишнинг ишончли механизмлари йўқлиги; бир ёки икки экспорт товарларига иқтисодий боғлиқлик; инфратузилманинг заифлиги; кўп ҳудудларда аҳоли туршуш даражасининг пастлиги; таълим, бандлик ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммолар; ёш ва жадал ўсиб бораётган аҳолининг ишсизлик даражасининг юқорилиги ва ҳоказолар мутахассислар томонидан минтақа давлатларида ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммолар сифатида тилга олинган. [10: 15]

Мустақилликнинг дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистонда демократик тамойиллар тараққий топиши учун жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган самарали ва ишчан парламентни шакллантириш зарур деган яқдил фикр мавжуд эди. Республика Олий Кенгаши фаолият кўрсатган 1991-1994 йилларда давлат суверенитети асосларини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида муҳим қонунлар қабул қилинди.

Аммо бир ижтимоий тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш шароитида замонавий парламентни шакллантириш мураккаб вазифа эди. Ўзбекистонда парламентаризм ривожини “босқичма-босқичлилик” тамойили асосида амалга оширилди: Ўзбекистон ССР Олий Советидан – мустақил Ўзбекистоннинг Олий Кенгашига, ундан – яримпрофессионал бир палатали Олий Мажлисга, ундан – икки палатали (қуйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат) профессионал парламентга ўтиш жараёнлари рўй берди. [12: 9-10]

Бизнингча, парламент фаолиятини кучайтиришга, жумладан, қонунчилик жараёнини тўлиқ профессионаллаштириш ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини оширишга бўлган эҳтиёж икки палатали парламент тизимига ўтишнинг асосий сабабларидан бири бўлди.

Сиёсатшунос олим У.Идиоров хулосасига кўра, демократик жараёнлар жамият аъзоларининг асосий кўпчилиги томонидан маъқулланаётган ва қўллаб-қувватланаётган қонуний ташкилий бирликни, яъни сиёсий-ижтимоий яхлитлик бўлишини тақозо қилади, легитим давлатни талаб қилади. Бу ўринда Ўзбекистон давлатининг легитимлик даражаси мустақилликнинг биринчи кунлариданок юқори бўлганлигини республикада ўтказилган умумхалқ референдумларининг натижалари тасдиқлайди. [6: 129-130.]

Миллий парламентимизнинг икки палатали тизимда фаолият юритиши ҳокимиятлар бўлиниши принципига оид бўлган янги нормалар киритишни тақозо қилди. Шу сабабли мамлакат президенти масъул бўлган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими 2003 йил 24 апрелдан бошлаб тугатилди. Бунга ўтиш даврининг ниҳоясига етганлиги ва миллий давлатчилик асосларининг мустаҳкам пойдевори яратилганлиги сабаб бўлиб, эндиликда ҳукумат фаолиятида Бош Вазир масъулиятини ошириш ҳамда ҳукуматнинг Олий Мажлис олдидаги жавобгарлигини кучайтириш зарурияти юзага келди. Дарҳақиқат, ўтиш даврида давлат бошлиғининг Вазирлар Маҳкамасига бошчилик қилиши ўша давр мобайнида ўтказилган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга кафолат бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг ички ривожланиш хусусияти сифатида ўтиш даврида

мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида Шарқ давлатларига хос кучли давлат анаъаналарига амал қилинганини қайд этиш мумкин. Хусусан, “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойили асосида жамиятда даставвал давлат институтлари мавқеини мустаҳкамлашга киришилди.

Шу боис мураккаб ўтиш даврида Ўзбекистонда давлат бош ислохотчи, ижтимоий-сиёсий жараёнларни барқарорлаштирувчи асосий институт сифатида мамлакат тараққиёти учун зарурий шарт-шароитларни яратиши лозим эди. Зеро, жаҳон амалиётидан маълумки, давлат кучли бўлсагина, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва миллий бирдамликни таъминлашга қодир бўлади.

Қозоғистонда миллий давлатчилигини ташкил этиш ва демократик ривожланиш учун асосларни яратиш ҳамда сиёсий тизим трансформацияси жараёнлари республика Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 28 январда мамлакат Конституцияси қабул қилиниши билан бошланди. Республиканинг Биринчи президенти Н.Назарбоев томонидан 1993 йил 13 декабрда собиқ иттифоқ даврида шаклланган Олий Кенгаш тарқатиб юборилди, маҳаллий советлар тугатилди ва янги давлат бошқаруви тизимини шакллантиришга киришилди.

Сиёсий ислохотлар бир неча муҳим босқичларда ўтди. Дастлабки босқичда ижро этувчи ҳокимият вертикали бўйича ҳокимият ваколатларини марказда тўплашга қарор қилинди. Бу эса 1995 йилда парламентни тарқатиб юборилиши ва янги конституция қабул қилинишида ўз аксини топди. Қабул қилинган Конституция президентлик бошқарув шаклига ўтиш, икки палатали (қуйи палата – Мажилис, юқори палата – Сенат) профессионал парламент тизимини шакллантириш, Конституциявий суд ўрнида Конституциявий кенгаш ташкил этилишига замин яратди.

Мутахассислар фикрича, 1998 йилги конституциявий ислохотлардан сўнг Қозоғистонда кучли президентлик ҳокимиятининг мустаҳкамланишини Қозоғистон халқи ассамблеясини ташкил этилиши, парламент сайловларида президент (давлат) рўйхати илгари сурилиши (77 депутатдан иборат Мажилисда қўшимча 10 ўрин ажратилди), конституциявийликни

республикада назорат қилиш институтларининг чекланиши ва бошқаларда акс этди. [11: 51]

Н.Назарбоевнинг 1998 йилдаги Қозоғистон халқига йўллаган мурожаатномасида мамлакатни демократлаштириш ва сиёсий ислохотларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли дастур тақдим этилди. Шу даврдан бошлаб, сиёсий ислохотларнинг асосини қуйидаги либерал элементлар ташкил эта бошлади: эркин ва адолатли сайлов; мамлакат сиёсий тизимида сиёсий партиялар ролини кучайтириш; парламентнинг ролини, ҳокимиятнинг барқарорлиги ва изчиллигини кучайтириш; нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш; суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш; эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун шароит яратиш; давлат ва жамият ҳаётида аёллар ролини ошириш. [8: 53-54]

Шу билан бирга, Қозоғистондаги сиёсий тизимнинг умумий ҳолати патрон-клиент муносабатлари билан белгиланиб, қозоқ халқининг тарихан шаклланган уч субэтник гуруҳи - “катта жуз” (жанубий ва жануби-шарқий Қозоғистон), “ўрта жуз” (шимолий, марказий ва шарқий Қозоғистон), “кичик жуз” (ғарбий Қозоғистон) вакиллариининг ҳокимият учун рақобати кўринишида амалга ошди. Ҳозирда қозоқ миллатига мансуб аҳолининг 35 фоизи “катта жуз” (11 та уруғ), 40 фоизи “ўрта жуз” (7 та уруғ), 25 фоизи “кичик жуз” (3 та уруғ) вакили ҳисобланади. [20: 103]

Сиёсатшунос олим С.Саидолимов қайд этишича: “Қозоғистонда давлат ва жамият барқарорлигининг энг асосий омили бу сиёсий элиталарнинг ички ҳамжиҳатлиги ва бирлигидадир. Мамлакатдаги барқарорликни таъминлашнинг ягона сиёсий йўли ҳам барча миллий, иқтисодий ва сиёсий гуруҳлар манфаатларининг мувозанатини таъминлашдир”. [15: 94]

Шуни таъкидлаш жозки, Н.Назарбоевнинг мустақил Қозоғистоннинг асосчиси ва унинг биринчи президенти сифатидаги жамиятдаги юксак тарихий-сиёсий мавқеи ҳамда улкан ёқилғи-энергетика ресурслари ҳисобига республикадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат яхшилаш ва уни бир маром ушлаб турилишига эришилгани турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Қирғизистонда ўтиш давридаги сиёсий жараёнлар минтақанинг бошқа республикаларидан фарқли ўлароқ жамиятда барча сиёсий кучларни бирдек қаноатлантирадиган сиёсий тизим шаклига эришишнинг мураккаблиги, сиёсий инкирозларнинг “рангли инкилоблар” (2005 йилда – “Лола инкилоби”, 2010 йилда – “Атиргул инкилоби”) кўринишида вақти-вақти билан такрорланиши, сиёсий кучлар манфаатларидаги мувозанатнинг йўқлиги, ҳукуматни идора қилиш шакллариининг тез-тез ўзгартирилиши, мамлакатдаги сиёсий вазиятга ташқи кучларнинг таъсири юқори даражада эканлиги, мамлакатнинг соціо-маданий, ҳудудий жиҳатдан иккига (“шимол” ва “жануб”га) бўлингани билан тавсифланади. Шу боис ҳокимият учун кураш асносида парламент ва президент ўртасидаги доимий рақобат мамлакат бошқарув шаклини ё парламентар, ё президентлик ёки аралаш шаклига ўтишга бўлган сай-ҳаракатларда намоён бўлиб келган.

1993 йилги Қирғизистон Республикаси Конституцияси президент ва парламент ўртасида ваколатлар ўзаро тақсимланган бошқарув шаклини мустаҳкамлади. Ижтимоий ҳаёт ривожланиб борган сари Қирғизистоннинг Асосий қонунига референдум йўли билан 1994, 1996, 1998, 2003, 2006 йилларда бир неча марта ўзгартиришлар киритилди. Бу ҳолат айна пайтда президент ва муҳолифат ўртасидаги сиёсий кураш, ўзаро қарама-қаршиликлар эволюциясини ҳам кўрсатиб беради.

1996 ва 1998 йилги референдумлар натижасида Қирғиз Республикаси президенти ва Жогоргу Кенеш (миллий парламент) ваколатларини ажратиш асносида президент ваколатларини кучайтиришга доир ўзгартишлар киритилди. 2003 йилги конституциявий ислохотлар Қирғизистонда президент бошқаруви ўрнатилишига олиб келди. Унга мувофиқ, ҳукуматни шакллантириш, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатини бошқариш, қонун кучига эга фармонлар чиқариш ҳуқуқи каби бир қатор ваколатлар кенгайди. [4: 53-56]

Айни шу ислохот аҳоли орасидаги ижтимоий кескинликнинг асосий сабабларидан бири бўлди ва аксарият муҳолифат чиқишларига, умумхалқ норозиликларига туртки берди. 2005 йил март ойида ўтказилган парламент сайловлари натижаларидан келиб чиққан

норозилик мамлакат биринчи Президенти А.Акаевнинг ҳокимиятдан ағдарилишига олиб келди.

2005 йил 24 мартда айрим ташқи кучлар таъсирида, “рангли инкилоб” технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган “Лола инкилоби” ва унинг етакчиси К.Бакиев парламентар бошқарувга ўтиш бўйича ислохотларни ваъда қилган бўлса-да, уни амалга оширишга шошилмади. Натижада 2006 йилда Конституцияга икки маротаба бир-бирига зид таҳрирлардаги ўзгаришлар киритилди. Конституциянинг кўпгина қоидалари шошилинч равишда ишлаб чиқилгани сабаб улар бир-бирини такрор этди ва ҳокимият тармоқларининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган механизмлар аниқ белгилаб берилмади. Шу тариқа Қирғизистондаги асосий сиёсий кучлар ўртасидаги зиддият сақланиб қолди.

Президент К.Бакиев томонидан 2009 йилда амалга оширилиши режалаштирилган конституциявий ислохотлар эса сиёсий муҳолифат кучлари томонидан давлат бошқарувини унинг оила аъзоларига ўтказишга қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланди. Бу эса 2010 йилда муҳолифат томонидан уюштирилган навбатдаги сиёсий инкирозга – “Атиргул инкилоби”га сабаб бўлди. Р.Отунбаева ва А.Атамбаев етакчилиқ қилган инкилоб парламентаризм ғояларини илгари сурди. Натижада 2010 йил 27 июндаги референдумда маъқулланган янги таҳрирдаги Конституция мамлакатда парламентар йўналишдаги тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Инкилоб шароитида тез суръатларда қабул қилинган янги Конституция Қирғизистонда ўтиш даврининг барча муҳим масалалари бўйича мурося излашга қаратилган бўлса-да, унинг рўёбга чиқарилиши сиёсий тизимни ўта беқарор ҳолга келтирди. Конституцияда мустаҳкамланган демократик меъёр ва тамойилларни ўтиш даврида иқтисодий заиф давлат томонидан амалга оширилиши нореал эди. Бу ҳолат охир-оқибат ташқи кўмакларга тобелик, суверенитет ва барқарорликни таъминлашда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради ва мамлакатнинг сиёсий тизими легитимлигига жиддий путур етказди. [11: 49]

Умуман, қирғиз жамиятида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини

самарали амалга ошириш механизми тўлиқ шаклланмагани ҳокимият тармоқлари ўртасидаги низолар ва сиёсий инқирозларнинг бош омили ҳисобланади. Қирғизистоннинг чекланган иқтисодий имкониятлари эса ушбу тизимнинг шаклланишини янада секинлаштиради.

Мутахассислар фикрича, вазият қирғиз этносининг ўтроқлик ва исломий қадриятларга амал қилиш даражаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган шимолий ва жанубий тармоқларга бўлиниши билан мураккаблашади. [3: 19]

Шу нуктаи назардан, Қирғизистонда “жануб” ва “шимолий” ўртасидаги сиёсий ҳокимият учун кураш фонида, ташқи кучлар таъсирида “рангли инқилоб” техногияларидан фойдаланилиб, 2005 ва 2010 йилларда икки маротаба давлат тўнтаришлари содир бўлди. Биринчисида “жануб” вакили К.Бакиев, иккинчисида “шимолий” вакили А.Атамбаев ҳокимият тепасига келди. Давомли қарама-қаршилиқлар ҳамда марказий ҳокимиятнинг республика бўйлаб таъсири бирдек эмаслиги Қирғизистон жанубида миллатлараро тўқнашувлар, қонли воқеалар учун қулай шарт-шароит ҳозирлади.

Марказий Осиёнинг ҳудуди жиҳатидан энг кичик, асосан тоғли ҳудудлардан иборат мамлакати бўлмиш Тожикистонда ўтиш даврида миллий давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ сиёсий жараёнларга радикал исломий ҳаракат тарафдорларининг таъсири кучли бўлди. Айнан Тожикистон минтақанинг қирғин-барот фуқаролар уруши қамраб олган ягона давлатига айланди. Сиёсий жараёнларда давлатчилик ривожланишининг ўзаро қарама-қарши дунёвий ва теократик тенденциялари намоён бўлди.

Тожикистонда фуқаролар уруши фақат ташқи кўринишдагина ғоявий характерга эга бўлди. Аслида бу Сўғд ва Кулоб уруғ-аймоқлари ва улар билан доимий рақобатда бўлган Помир ва Ғарм уруғлари ўртасида ҳокимиятни бўлишиш мақсадида юзага келган ҳудудлараро кураш эди. Тожикистондаги ички сиёсий инқироз ва фуқаролар уруши негизида, аввало, ҳудудий-аймоқчилик зиддиятлари бўлган. [15: 94-95] Бу жараёнга ташқи манфаатдор кучларнинг аралашуви можарони ҳал қилинишига олиб келди. [9: 42-43]

Шу тарика мустақилликнинг дастлабки йилларида Тожикистонда дунёвий давлатчиликни сақлаб қолишга эришилди. Тожикистоннинг постсовет давридаги илк Конституцияси 1994 йилда фуқаролик уруши шароитида ўтказилган референдум натижасига кўра қабул қилинди. Конституцияда демократик ҳуқуқий, дунёвий давлат барпо этиш тамойиллари мустаҳкамланди. Шу боис ҳам 1994 йилда қабул қилинган мамлакат Асосий қонуни ўтиш даврининг муҳим ҳужжати бўлиб қолди. [2]

Ўз навбатида ушбу референдумга С.А.Нури бошчилигидаги Бирлашган тожик муҳолифати жиддий норозилик билдирди. Ушбу Конституция тожик жамиятидаги барча қатламларнинг манфаатларини акс эттирмагани ҳақидаги айбловлар билдирилди, бу эса ўтиш даврида шаклланаётган мамлакат сиёсий тизимининг легитимлигига путур етказди. [11: 53]

Тожикистондаги конституциявий ислохотлар асосан фуқаролар урушидан кейинги жараёнларга қаратилиб, дунёвий давлатчиликни тиклаш, янги парламентни шакллантириш, президент, парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловларини ўтказиш борасидаги баҳс-мунозараларни бартараф этиш механизми бўлиб хизмат қилди.

1997 йил 27 июнда Москвада имзоланган “Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш тўғрисидаги умумий битим”ни амалга ошириш доирасида 1999 йил 26 сентябрда референдум ўтказилди. Референдум натижалари кўра Конституцияга киритилган ўзгаришлар республикада президентлик бошқаруви мустаҳкамланишига олиб келди. Конституциянинг 64-моддасига биноан “президент давлат раҳбари ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, шунингдек, Конституциянинг қафилдир”. [19: 140]

Бундан ташқари, конституциявий ислохотларнинг бош мақсади Тожикистон ислом уйғониш партиясининг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштирокини қонунийлаштириш механизмини яратиш эди. Узоқ вақт давомида Тожикистон Марказий Осиёнинг исломий сиёсий ташкилот (Тожикистон Ислом уйғониш партиясининг) расмий фаолият юритадиган ягона давлати бўлди. Унинг вакиллари 1997 йилги Москвада имзоланган умумий

битимга мувофиқ 30 фоизлик квота доирасида республиканинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳарбий тузилмаларга қўшилди. [14]

Шундай қилиб, 1991-1997 йилларда давом этган фуқаролар уруши ва қўплаб йўқотишларни ўзига олган ўтиш даври Тожикистонда миллий давлатчиликни шакллантириш жараёни ўта мураккаб кечганлигидан далолат беради. Фуқаролар уруши тугаши ва қарама-қарши томонларнинг ярашувидан сўнг тожик давлатчилиги янги асосда қарор топди, бироқ унинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши изчил амалга оширилмади.

Туркменистонда ўтиш даврида янги миллий давлатчиликни шакллантириш жараёни бир мунча тез ва текис кечди. Туркменистон расмий маълумотларига кўра, мамлакатда 1991 йилдан 2007 йилгача давом этган давр миллий давлатчилик ва иқтисодий модел асослари шаклланган ўтиш даври ҳисобланади. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Туркменистоннинг доимий бетарафлиги тўғрисида”ги №50/80-сонли резолюцияси қабул қилинди ва бу мамлакатнинг ҳуқуқий мақоми халқаро даражада эътироф этилгани билан тарихий аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади. [7]

1993 йилдан мамлакатнинг биринчи президенти С.Ниёзов расман Туркманбоши – “барча туркманларнинг отаси” деб эълон қилинди ва жамият ҳаётининг барча соҳалари давлат томонидан қучли назоратга олинди. [16] 1999 йилда С.Ниёзов Туркменистон олий вакиллик органи бўлмиш “Халқ маслаҳати”нинг қарорига билан умрбод президент деб эълон қилинган бўлса, 2003 йилда Халқ Маслаҳатининг умрбод раҳбари этиб сайланди. Мамлакатда 2006 йилгача, яъни у тўсатдан вафот этгунига қадар президент сайловлари ўтказилмади. [21]

Туркманбоши даврида Туркменистон дунёнинг энг марказлашган, ёпиқ давлатларидан бирига айланди. Давлат ҳокимиятининг деярли барча масалалари президент шахси билан боғлиқ бўлди. [5] Бу эса мамлакатда ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи ва конституциявий назорат институти ишламаслигига олиб келди. Туркменистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими расман Халқ ҳокимиятининг олий вакиллик органи – Халқ маслаҳати, Президент, бир палатали Межлис, Вазирлар

маҳкамаси ва судлардан таркиб топган бўлса-да, аслида мамлакатни танҳо президент бошқарди.

Ўтиш даврида Туркменистонда амалга оширилган (2003 ва 2005 йиллардаги) конституциявий ислохотлар вакиллик органлари, сайлов тизими ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солган бўлса-да, давлат органлари фаолиятидаги мавжуд ҳолатга сезиларли таъсир кўрсатмади. [11: 54] Мазкур ислохотлар асосан истиқлол йилларида мамлакат шаклланган ўзига хос сиёсий тизимнинг институционал асосларини мустаҳкамлаб боришга қаратилган эди.

Туркменистоннинг доимий бетарафлик мақоми, давлат ва жамият муносабатлари тизимининг ёпиқ табиати, улкан табиий ресурслар (табиий газ захиралари бўйича дунёнинг тўртинчи мамлакати – *муаллиф изоҳи*) мавжудлиги мамлакатга муайян барқарорлик берди. Бироқ бу айни пайтда, қўплаб муаллифлар фикрича, С.Ниёзов даврида ўзига хос султонизм тартиботи ўрнатилишига олиб келди. [1: 25-26]

Мамлакатда «Туркманбоши мафқураси» деб номланган расмий мафқуранинг асосий жиҳатлари (президентнинг илоҳий келиб чиқиши, унинг ўзгармаслиги ва абадийлиги) С.Ниёзов томонидан ёзилган “Рухнома” китоби баён қилинган бўлиб, мутахассислар қайд этишича, туркманларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини улуғлаш орқали туркман жамиятининг субэтник қабила ва кланларга бўлинишини бартараф қилиш вазифаси билан боғлиқ эди. [13: 81] Мамлакат аҳолисини ташқи дунёдан ажратиб қўйилиши билан, туркман қабила-уруғ жамиятини миллатга айлантиришга, С.Ниёзовни миллий қахрамон даражасига кўтариш орқали жамиятни сиёсий етакчи атрофида бирлаштиришга уринишлар бўлди. Аҳолига бепул сув, газ ва электр энергияси, давлат томонидан нон, бензин ва жамоат транспорти учун нархларнинг субсидияланиши каби катта ижтимоий имтиёзлар берилди. [18]

Туркменистонда мамлакат аҳолиси орасида миллий урф-одатларига риоя қилиш борасидаги қатъий талаблар ва тарихий ҳодисаларга берилган мифологик баҳолар ижтимоий-сиёсий ҳаётда аҳолининг патерналистик кайфияти кучайишига сабаб бўлди. Аксарият аҳолининг сиёсий жараёнларга суст муносабати кўп жиҳатдан айнан шу билан боғлиқ.

Шу муносабат билан ҳокимият тизимидаги барқарорлик, табиий ресурслар экспортдан келадиган юкори даромадлар туркман жамиятининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлигини маълум даражада сақлаб турувчи, мамлакат сиёсий тизимининг ўзига хослигини ифодаловчи омиллар сирасига киритиш мумкин.

Хулоса қилганда, ўтиш даврида Марказий Осиё давлатларида миллий давлатчилик шаклланиши билан бир вақтда жуда зиддиятли жараёнлар кечди. Постсовет даврида аксарият Марказий Осиё республикалари ички ва ташқи деструктив хавф-хатарлар, таъсирлардан холи бўлган барқарор, замонавий суверен демократик давлат сифатида қарор топиши жараёни якунига етмади. Бу даврда Ўзбекистон ва Қозоғистонда сиёсий жараёнлар изчил амалга оширилган бўлса, Қирғизистон ва Тожикистонда сиёсий инқирозлар билан бирга кечганини қайд этиш мумкин. Туркменистонда эса собиқ иттифок бошқарув усули туркман халқи қадриятлари, этносоциал хусусиятлари билан қоришиб кетиб, ўзига хос миллий бошқарув модели шаклланди.

Марказий Осиё давлатларида ўтиш давридаги сиёсий ислохотлар тадрижий, инқирозли, инқилобий шаклда амалга оширилганини, унинг ўзига хос жиҳатларини кучли президентлик институти, тарихий, соcio-маданий ва мафкуравий заминларга эга авторитар бошқарув анъаналари, жамият консолидациялашувига патернализм, норасмий ҳудудий, уруғ-қабила муносабатларининг таъсири, дунёвий, демократик давлатчилик йўли муқаррар тус олганлиги қабилар ташкил этганини қайд этиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Annet Bor. Turkmenistan: Vlast, politika i petro-avtoritarizm. – London. The Royal Institute of International Affairs Chatham House, 2016.
2. Auelbaev B. Opit politicheskix reform v Sentralnoy Azii i kazaxstansko-kirgizstanskije otnosheniya. 30.04.2007. <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1177926900>
3. Borisov N.A. Postsovetskaya transformatsiya politicheskix sistem Respubliki Uzbekistan i Kirgizskoy Respubliki: sravnitelniy analiz. Avto-ref. dis. ... kand. polit. nauk. – M., 2007.
4. Dononbayeva A.A. Konstitusionnie reformi v Kirgizskoy Respublike. // Aktualnie problemi gumanitarnix i yestestvennix nauk. – Bishkek. – 2016. – № 12-3.
5. Gorak S. Portret Turkmenbashi kak mifologicheskaya osnova yego rejima // Vestnik Yevrazii. 2007. №2. <https://cyberleninka.ru/article/n/portret-turkmenbashi-kak-mifologicheskaya-osnova-ego-rezhima>
6. Ildirov U. O'zbekiston: zamonaviy demokratiyalashuv jarayonlarining konseptual asoslari. – T.: TDSHL, 2005.
7. Imamkuliyeu I. Nezavisimiy neytralniy Turkmenistan: strategiya innovatsionnogo razvitiya. 09.05.2016. <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=10979>
8. Kozikov A. Institutsionalnaya praktika i xarakter politicheskogo protsessa v gosudarstvax Kaspiyskogo regiona v sovremennix usloviyax. // Rossiya i musulmanskij mir. -2016. - №3(285).
9. Malishev D. Sentralnaya Aziya: ugroza radikalnogo islamizma. Situatsiya v Tadjikistane // Rossiya i musulmanskij mir. -2017. -5(299).
10. Malisheva D.B. Sentralnoaziatiskiy uzul mirovoy politiki. – M.: IMEMO RAN, 2010.
11. Medushevskiy A.N. Politicheskie rejimi Sentralnoy Azii: konstitusionnie reformi v ramkax avtoritarnoy modernizatsii // Sravnitelnoe konstitusionnoe obozrenie. -2012. -№4(89).
12. Nazirov M. O'zbekistonda parlament instituti shakllanishi va rivojlanishining tarixiy bosqichlari – muhim siyosiy jarayon sifatida // Sharq mash'ali. -2015. - №2 (49).
13. Niyazi A. Turkmeni: etnos i vera // Rossiya i musulmanskij mir. -2015. -№4(274).
14. Obshee soglashenie ob ustanovlenii mira i natsionalnogo soglasiya v Tadjikistane ot 27.06.1997. // Zavershennije operatsii OON po podderjaniyu mira. <http://www.un.org/ru/peacekeeping/missions/past/unmotagr.htm>
15. Saidolimov S.T. Markaziy Osiyoda xavfsizlikni ta'minlash muammolari: dis. ... siyos. fan. doktori. – Toshkent: DJQA, 2009.
16. Saparov N. Ob osobennostyax "turkmenskoy modeli demokratii". <http://www.ca-c.org/journal/cac-08-2000/26.saparov.shtml>
17. Sentralnaya Aziya. Geopolitika i ekonomika regiona. – M.: Institut strategicheskix otsenok i analiza, 2010.
18. Stronski P. Nezavisimomu Turkmenistanu dvadsat pyat let: sena avtoritarizma // Moskovskiy sentr Karnegi. 22.05.2017. <https://carnegie.ru/2017/05/22/ru-pub-70020>
19. Xakimov Sh. Konstitutsionalizm v Tadjikistane: put k demokratii ili ukreplenie avtoritarizma? // Sentralnaya Aziya i Kavkaz. -2013. -Tom 16. -№1.
20. Yevseyev V.V. Avtoritarizm v Sentralnoy Azii (na primere Kazaxstana) // Vestnik MGIMO-Universiteta. -2013. №5(32).
21. YXHT ma'lumoti. <http://www.osce.org/odihr/elections/turkmenistan/23722>.